

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИДА ИЧКИ ИШЛАР  
ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Амангелдиев Айдос Гулмурот ўғли  
ИИВ Академияси 3-курс курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада ишида хуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситаларининг ўрни тушунчаси, бугунги ҳолати, хуқуқий асослари, асосий хусусиятлари, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга бағишиланган олимлар, мутахассислар ва амалиёт ходимларининг фикрлари, мавзуга доир маҳсус адабиётлар, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган омиллар, натижаларни қўрсатувчи статистик маълумотлар, илғор хориж тажрибаси ўрганилиб таҳлил қилинган ҳамда бу борада эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хуқуқбузарликлар профилактикаси, оммавий ахборот воситалари, асосий хусусиятлари, маҳсус адабиётлар, статистик маълумотлар

Ички ишлар органларининг Хуқуқбузарликлар профилактикасини оммавий ахъборот воситалари билан хамкорликда ташкил этишда Ички ишлар органларининг вазифа ваколатлари , функциялари, Ички ишлар органлари тўғрисидаги, Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун, Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун , Одам савдосига қарши купаш тўғрисидаги қонун , Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги ва бошқа Қонунларда, шунингдек давлатимиз раҳбари Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Маъруза ва нутқларида, Фармон ва Қарорларида ўз аксини топиб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органларининг энг асосай вазифалари фуқароларнинг хуқуқлари, эркиликлари ва қонуний манфаатларин, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, Конститутсиявий тузумни химоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олишва профилактикасидан иборат қилиб белгиланган.<sup>96</sup>

2014-йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуннинг 10-моддасида Ички ишлар органларининг Хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

<sup>96</sup> 2016- йил 16- сентябрдаги Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг 2- моддаси

- ✓ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этади;
- ✓ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- ✓ мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;
- ✓ ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;
- ❖ **Ушбу Қонуннинг 35-моддасига асосан:**
  - илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;
  - ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айлов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларни;
  - Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларни;
  - ўзига нисбатан қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларни;
  - Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 1651, 183, 184, 1841, 1842, 1843, 187, 188, 1881, 189, 1891, 190, 191, 201, 202, 2021, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларни;
  - ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;
  - назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;
  - фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;
  - паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;<sup>97</sup>
  - жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирудида иштирок этади;

<sup>97</sup> 2016- йил 16- сентябрдаги Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг 35- моддаси

➤ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини кўради;

➤ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**Ушбу ваколатлардан келиб чиқиб Ички ишлар органларининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:**<sup>98</sup>

■ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, конституциявий тузум ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

■ ҳалқ билан тизимили манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

■ барча даражадаги ички ишлар органлари бўлинмаларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши бўйича, авваламбор, Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидириув ва эксперт-криминалистика фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш;

■ йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли миграцияси ва паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш;

■ жиноий жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросини, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек шахсларни қидириш ишларини ташкил этиш;

■ жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини хурмат қилиш ҳиссини сингдириш;

■ ички ишлар органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек ходимларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш.<sup>99</sup>

• ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилиш сабаблари ва шарт-

<sup>98</sup> Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири в.б. Дилфуз Абдуллаева

<sup>99</sup> 2014-йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида ”ги қонун

шароитларини аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этиш борасидаги фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминлашга доир республика ва идоравий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини тизимли ва комплекс таҳлил қилиш;
- халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек ушбу соҳадаги халқаро шартномаларга риоя этиш;

2. Халқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш соҳасида:<sup>100</sup>

- ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича ишини самарали ташкил этиш, мурожаатларда кўтарилаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлишга йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга чиқиб, мурожаатларда кўтарилаётган муаммолар бўйича зудлик билан тегишли чораларни кўриш орқали назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати учун асос бўлган қонун бузилиши ҳолатлари ва бошқа муаммоларни комплекс ва тизимли таҳлил қилишни амалга ошириш, шунингдек қонун бузилишларини бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича аҳоли билан тизимли манзилли мулоқотни йўлга қўйиш, шунингдек аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини кенгайтириш ва ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирларни, хусусан, жамоатчиликка ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тизимли тақдим этиб бориши орқали амалга ошириш;

<sup>100</sup> 2016- йил 16- сентабрдаги Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун

- давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда тўғридан-тўғри ва яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- аҳолига унинг кундалик муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятида ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантиришни таъминлаш;

3. Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умумисоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш соҳасида:<sup>101</sup>

- ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлодни қонунга зид фаолиятга жалб этилишига йўл қўймаслик борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш;
- вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълимини олишларига, ишга жойлашишларига кўмаклашиш, шунингдек, мазмунли дам олишларини ташкил этиш;
- ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгida ватанпарварлик, миллий ва умумисоний қадриятларни, халқнинг анъана ва урф-одатларини хурмат қилиш, шунингдек мустақиллик ғояларига садоқат туйғусини чукур сингдиришга топтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш;
- вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг сабаблари ва шартшароитларини бартараф этишда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари, оммавий ахборот воситлари ва ахоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

4. Барча даражадаги ички ишлар органлари бўлинмаларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши бўйича, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши қурашиш, тезкор-қидирув ва эксперт-криминалистика фаолияти, ва дастлабки терговни

<sup>101</sup> 2016- йил 16- сентябрдаги Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун

амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш соҳасида:<sup>102</sup>

- Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек жиноят ишларини тергов қилиш, криминоген вазиятни прогноз қилиш амалиётига доир фаолиятининг самарадорлигини комплекс ҳамда тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш;
- Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, уларни содир этиш сабаблари ва бунинг учун имкон яратадиган шартшароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

• Жиноятлар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида уюшган жиноий гурӯҳлар ва ҳамжамиятлар фаолиятининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиш;

Қонунчиликка мувофиқ ички ишлар органлари терговига тегишли бўлган жиноятларни ўз вақтида ва тўлиқ фош этиш ҳамда ҳар томонлама тергов қилишни таъминлаш;

Ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорлар бажарилишини ташкил этиш;

5. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган қуроляроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш соҳасида:<sup>103</sup>

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, ҳуқуқбузарликларни, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини комплекс ва тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш;

<sup>102</sup> Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида ПФ 5050 2021-йил апрел

<sup>103</sup> 2016- йил 16- сентябрдаги Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек шартномавий-хуқуқий асосда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари ваколатига киритилган масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда лицензиялаш ва рухсатнома туридаги ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ҳамда рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

оммавий тадбирларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишида, шунингдек аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

6. Хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан, қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш соҳасида:<sup>104</sup>

- қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, хуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

7. Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш соҳасида

- жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш мақсадида аҳоли ўртасида хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ички ишлар органларининг мувофиқлаштирилган ишини ташкил этиш;

- давлат органлари ва ташкилотлари, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ички ишлар органларининг аҳоли ўртасидаги хуқуқий тарғибот ва маърифат ишларига жалб қилиш;

104

• аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимни тарғиб қилиш ва қонунчилик нормалари мазмун-моҳиятини, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини тушуниришда иштирок этиш;

• ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар, ғайриижтимоий хулқли, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил ва содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитация ҳамда ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

• жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишни амалга ошириш ва ташкил этиш, уларнинг мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлаш;

• аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;<sup>105</sup>

• аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

Юқоридагилардан кўриниб турибдики бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонимизда Оммавий ахборот воситалари кундалик ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисьига айланиб ултурган.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019. – 76.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Т., 2007.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.–Т., 2004.
- 6.Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // БМТ Бош Ассамблеяси 20 ноябрь 1989 й.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. –№ 11-12. –295 -м.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. –№ 9. –225-м.

<sup>105</sup> А.ТУРСУНОВ, ИИВ академияси профессори, юридик фанлар доктори А.МУРОДОВ, ИИВ академияси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори